



## Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Сана: 28 апрел 2017 йил

“Қуқон нефтгаз пармалаш ишлари” АЖ  
акциядорларига

Манзили: “Қуқон нефтгаз пармалаш ишлари” АЖ . Қуқон ш. Истиклол кўчаси 63 уйда жойлашган. Узсаноатқурилиш банк х/р 2021 0000 2005 1963 3001. МФО 00531. Окэд 85130. ИНН 200 136 212.

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шаҳри Б.Маргиноний-147 уй. ХАБ “TRAST BANK” Фаргона ш. х/р 2020 8000 1009 2188 6001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оконх 84400, тел (0 373) 2416448 email: [tftaudit@mail.ru](mailto:tftaudit@mail.ru). Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 25.02.2008 йилда берилган АФ № 00327-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335 –реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) бош аудитори **Хожиақбаров С** томонидан (*Аудитор малака сертификати №- 05468 11.03.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект “Қуқон нефтгаз пармалаш ишлари” АЖ томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг “Бухгалтерия баланси” Ф-1, “Молиявий натижалар” Ф-2, “Хусусий капитал” Ф-3, “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” Ф-4 ҳисобот шаклларида иборат 2016 йил 01 январидан- 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Қуқон нефтгаз пармалаш ишлари” АЖ томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **“Куқон нефтгаз пармалаш ишлари”** акциядорлик жамиятининг **2016 йил 31 декабрь** ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги  
«ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилот бош  
директори , бош аудитор САР

Бош аудитор



*[Signature]*  
Ботиров М Х

*[Signature]*  
Хожакборов С

Аудитор малака сертификати № 05052  
25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги  
томонидан берилган